

## ЎЗБЕК МОДЕРН ШЕЪРИЯТИ ВА РАУФ ПАРФИ ИЖОДИ

*Каримова Шоҳида Луфтиллаевна*  
Филология фанлари номзоди,  
Қариш ДУ доценти

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўзбек модерн шеъриятининг вакили Р.Парфи ижоди ҳақида сўз боради. Шеърий асарда тугал маъно ифодалаган грамматик бўлак (гап)нинг шеър бандлариаро жойлашувини назарда тутадиган “Апперцептив ўчоқ” мазмун моҳияти ҳақида тўхталиб, шоир сонетларида бадиият мезонларидан бири бўлган шеърдаги апперцептив ўчоқни кўринишларини шеърлари мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

**Калим сўзлар:** *апперцептив, сонет, миллий, модерн, сатҳ, модернистик тафаккур, поэтик тафаккур, контекст, бармоқ вазни, мисра, банд, поэтик синтаксис.*

**Annotation:** This article talks about the work of R. Parfi, a representative of modern Uzbek poetry. The meaning of "apperceptive hearth" which refers to the location of a grammatical fragment (sentence) expressing a complete meaning in a poetic work, between the verses of the poem, is discussed, and an attempt was made to analyze the appearance of the apperceptive hearth in the poem, which is one of the criteria of artistry in the poet's sonnets, on the example of his poems.

**Keywords:** *apperceptive, sonnet, national, modern, level, modernist thought, poetic thought, context, finger weight, verse, stanza, poetic syntax.*

Рауф Парфи шеърлари миллий адабиётимизнинг энг юксак чўкқиларидан бири эканини эътироф этиш мумкин. Чунки Рауф Парфи шеърлари асосан бармоқда ёзилган бўлса-да, оламни идрок этиш ва уни тасвирлаш нуқтаи назаридан ўзбек модерн шеъриятининг энг яхши намуналаридир.

Бугунги ўзбек модерн шеъриятининг яна бир бадиият мезонларидан бири шеърдаги апперцептив ўчоқни ўзгаришидир. Р.Парфи ўзининг сонетларида бунинг ёрқин мисолини кўрсата олди.

“Апперцептив ўчоқ” атамаси ўзбек адабиётшунослигида илк марта профессор Баҳодир Саримсоқов томонидан қўлланган. Олим апперцептив ўчоқ деганда шеърий асарда тугал маъно ифодалаган грамматик бўлак (гап)нинг шеър бандлариаро жойлашувини назарда тутди. У “Алишер Навоий поэтик синтаксисидаги бир усул хусусида” мақоласида шундай ёзади: “...биз Навоий шеъриятидаги поэтик синтаксиснинг икки сатҳи мавжудлигини ва бу сатҳларнинг поэтик жанрлар спецификаси билан алоқадорликда ҳал этилишини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим топамиз.

Биринчи сатҳ – маснавий, мураббаъ, рубоий, туюқ, мухаммас, мусаддас, мусамман каби шеърий жанрларда поэтик фикрнинг

**RAUF PARFI IJODINING  
MA'NAVIIY-MA'RIFIY AHAMIYATI**  
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

ифодаланишига асос бўлган апперцептив ўчоқларни белгилаб олиш. Мана шу жиҳатдан қараганда, маснавий, ғазал, қитъа, рубоий, туюқ, мураббаъ, фард каби жанрларда апперцептив ўчоқлар вазифасини байт бирлиги адо этади. Чунки ушбу жанрларда поэтик фикр қамрови ва унинг ифодаланишини бевосита байтлар таҳлили орқали ҳал қилиш мумкин.

Иккинчи сатҳ – мухаммас, мусаддас, мусамман каби жанрларда эса апперцептив ўчоқлар вазифасини мисра ва шеърый банд доирасида белгилаш маъқул. Чунки уларда фикрий ифода бевосита мустақил синтактик қурилишга эга мисралар орқали амалга ошади ва якуний поэтик хулоса банд орқали ифодаланади”. [Саримсоқов Б. Алишер Навоий поэтик синтаксисидagi бир усул хусусида // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2001 йил, 2-сон.]

Апперцептив ўчоқнинг ўзгаришини дастлаб Рауф Парфининг сонетларида кўрамиз. Рауф Парфи сонетнинг охирги икки учлигида – улар алоҳида-алоҳида икки бандлар бўлса-да – гапни узмай давом эттиради:

Нақадар гўзалдир бу чиркин товуш,  
Оҳанг вужудимни чирмади буткул,  
Бўғилдим, инградим, титрадим беҳуш.  
Ожиз баданимга суйканди бир гул.  
Надир бу? Кўлимда қора лоладир,

Ул кўздан ғойибдир, тирик ноладир. [Парфи Р. Тасвир. – Тошкент, “Ёзувчи”, 2000. – 54-бет. (64 бет). ]

“Барно бону” деб номланган мувашшаҳ-сонетнинг ҳар уч қисмида шу усул такрорланган. Шунингдек, “Эдуард Вейденбаум”, “Александр Блок”, “Сунбула”, “Шамол сочларимни тарама”, “Ер фарзанди”, “Чингиз Айтматов” каби қатор сонетларда ҳам шу ҳол кузатилади. Бу айниқса, “Шамол, сочларимни тарама” сонетида яққол кўринарли:

Олдинда кўринар баҳорлар,  
Бу – Туркий дунёнинг баҳори,  
Пичоқлар бўғзимга етганда,  
Қалтираб тўкмасман ёшимни,  
Ҳеч нарса йўқ менинг елкамда,

Мен сенга бахш этдим бошимни. [Фахриёр. Излам. – Тошкент, Академнашр НММ, 2016. – 368 бет. ]

Бунда эргаш гапли кўшма гапнинг икки қисми тўғридан-тўғри икки бандга “сочилган”. Ваҳоланки, Рауф Парфи поэтик синтаксисида ўзбек

**RAUF PARFI IJODINING  
MA'NAVİY-MA'RIFIY AHAMIYATI**  
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

шеъриятида илк бор ўзига хос бир усулни кўрамиз: у бир мисрани бир неча гапдан иборат қилиб тузади:

Совуқ. Атроф темир. Қўлимни очдим,

Елкамда чатнади қайноқ кўрғошин.

Ёшлик. Зангор фасл. Кечди. Сорғарди.

Дастлабки мисолда битта мисрада 3 та содда гап, кейингисида 4 та содда гап бор. Бу ҳол ўзбек шеъриятида бошқа бирор шоирда шу хилда учрамайди. Айтиш мумкинки, бу шунчаки шаклий усул эмас, балки шоир бу билан битта мисрада бир неча тугал фикрни ифодалаш имконини очди. Юқоридаги сонетда эса шоир анъанадан яна чекинади. Энди тескарироқ ҳолатни кўрамиз – гап банд ошиб, кейинги бандда ҳам давом этади. Рауф Парфи шу тарика модернистик поэтик тафаккур контекстида бармоқ вазни, мисра ва банд ўчоғида тилнинг, поэтик синтаксиснинг кутилмаган имкониятларини намоёниш қилади.

Апперцептив ўчоқнинг ўзига хослиги, айниқса, Фахриёр шеърларида ёрқин кўзга ташланади.

Юқорида айтганимиздек 99 фоиз ҳолатларда ўзбек шеъриятида биринчи мисрада бошланган гап грамматик жиҳатдан бўлакланиб иккинчи, учинчи, тўртинчи (арузда фақат иккинчи) мисрага ўтиши мумкин, аммо банд доирасидан деярли чиқмайди. Аммо Фахриёрда гапнинг грамматик бўлиниши ҳам анъана доирасидан чиқади:

Сен билан бирга

қариётган оқсоч дунёда

ўзгалар гуноҳи учун тавбалар

этмоқ балосидан асрар бир куни

ўз гуноҳларинг. [Фахриёр. Излам. – Тошкент, Академнашр НММ, 2016. – 368 бет].

Бизнинг диққатимизни тортгани – “тавбалар этмоқ” бирикмаси. Бу кўмакчи феълли сўз қўшилмаси бўлиб, бир лексик маънони англатади, шунинг учун ҳам маъновий жиҳатдан бир сўзга тенг. Мана шу анграм туфайли, дейлик, анъанавий шоир уни мисра доирасида ҳеч қачон иккига бўлиб юбормайди. Аммо Фахриёр буни оддий ҳодисадек, шундай бўлиши керакдек тақдим қилади.

Фахриёр сонетнинг охириги уч мисрали икки бандида қўллаган усулни бир сонетда бошдан-оёқ муваффақият билан тадбиқ этади:

**RAUF PARFI IJODINING  
MA'NAVİY-MA'RIFIY AHAMIYATI**  
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

Соялана бошлар муҳаббат,  
хотирага туйғулар кўчар.  
Эҳтирослар кули билан хат –  
битар роқим манглайга. **Ўчар** –  
дилдан умид, билмадим, қаён?  
Кўнгил ойнасига доғ тушар  
эҳтирослар кулидан ва ё  
кўзёш соясидан. **Бу тушлар** –  
**чертилган соз симидай титрар** –  
гулсизликнинг хазон дараги –  
келгусидан келади. **Митра** –  
**нур ўрнига зулматни камар**  
сенсиз кунларимга, қарагин,

гулсизликлар чаман ва чаман... [Фахриёр. Излам. – Тошкент, Академнашр НММ, 2016. – 246 бет. ]Ажратиб кўрсатилган “Ўчар дилдан умид”, “Бу тушлар чертилган соз симидай титрар”, “Митра нур ўрнига зулматни камар” – ҳар учала бу гап бандларни бир-бирига боғлаб турибди. Поэтик синтаксиснинг мана шу кўриниши, умуман, худди насрда ёзилган матнни бўғинлар сонигагина асосланиб тўғри келган жойидан бўлган каби бўлишнинг ўзиёқ шеърга бошқача манзара, бошқача ритм беради. Мисра охиридаги пауза билан гап тугагандан кейин келадиган паузанинг номувофиқлиги шеърни идрок этишни қийинлаштиради. “Митра” (қадимги ҳинд-эрон мифологиясидаги ёруғлик худоси) образи бу шеърда Рауф Парфи ижодининг таъсирини очик кўрсатгандек бўлади.

Кези келганда муҳим бир хулосани баён этиб кетсак: Рауф Парфи ўзбек шеъриятига илк бор оламни модернистик идрок этишни олиб кирди, у модернистик идрок этилган ўша борлиқни анъанавий бармоқда, анъанавий жанрларда ифода этди. Кейинги авлод эса модернистик шеърнинг шаклини ҳам тўла янгилади. Шу тариқа модернистик шеър ўзбек шеъриятида изчиллик билан, босқичма-босқич янгиланди. маъно ва шакл уйғунлашди.

Рауф Парфини модерн шоирларнинг илк вакиллари билан бири деймиз. Аммо у ҳам шеърда равонлик ва музайянлик (зийнатланганлик)ни бутунлай соқит қилган эмас. Модерн шеърни бошқа шеърлардан кескин фарқлайдиган прозаизм; мантиқни, изчилликни мақсадли равишда соқит қилиш; фикр, унинг ифодаси ва шеърнинг ҳамма жабҳаларидаги чексиз эркинлик; бадий идрок майдонида ўқувчига жой бермайдиган

**RAUF PARFI IJODINING  
MA'NAVİY-MA'RIFIY AHAMIYATI**  
Respublika ilmiy-nazariy anjumani

муаллифнинг якка ҳукмронлиги – монологиклик; интертекстуалликнинг кучайиши ҳам алоҳида кўринади.

Модернист шоирлар шу тариқа анъанавий шеърятдаги апперцептив ўчоқ – тугал фикр ифодалаш қолипини ҳам онгли равишда янгиладилар.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Саримсоқов Б. Алишер Навоий поэтик синтаксисдаги бир усул хусусида // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2001 йил, 2-сон.
2. Парфи Р. Тасвир. – Тошкент, “Ёзувчи”, 2000. – 54-бет. (64 бет).
3. Фахриёр. Излам. – Тошкент, Академнашр НММ, 2016. – 368 бет.